

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 14 ” март № ПҚ-4237 “ _____ ” _____ 20 г.

Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. 2017 йил 11 октябрь куни Сочи шаҳрида имзоланган Жиноят ишлари бўйича ашёвий далил ҳисобланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўқотар қурол, унинг асосий қисмлари, ўк-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини бериш тартиби тўғрисидаги Баённома тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси – юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг масъул ваколатли органи этиб;

жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари иш юритувида бўлган ёхуд судга юборилгунга қадар иш юритувида мавжуд бўлган терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар – юқорида кўрсатилган халқаро шартномага мувофиқ ашёвий далилларни бевосита бериш ва қабул қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг масъул ваколатли органлари этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида ва уни амалга ошириш учун масъул ваколатли органлар ҳақида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри